

УЕФА мутахассисси Қорақалпоғистонга келди

Европа Футбол Ассоциациялари уюшмаси - УЕФА мутахассисси Роджер Мейхри Ўзбекистон Футбол Ассоциациясининг масъул ходимлари билан Қорақалпоғистонга ташриф буюрди.

Қорақалпоғистон Футбол Ассоциацияси расмий каналининг маълум қилишича, УЕФА мутахассисси Тўрткул, Беруний, Хожели, Тақиятош, Нукус туманлари ва Нукус шаҳрида бўлиб, Қорақалпоғистонда футболни ривожлантириш бўйича амалга оширилаётган ишлар билан танишди.

Хизмат ташрифи давомида европали мутахассис Қорақалпоғистон Футбол Ассоциациясининг ҳар битта йўналиши бўйича олиб борилаётган ишларни атрофлича ўрганиб, ўз тушунчаларини берди.

Болалар ва вояга етмаганлар футбол академиясида тренерлер ва болаларга мастер-класс ўтказди. Шунинг билан, тренерларнинг тажрибасини кўздан кечирди, қўшимча замонавий футбол сирлари бўйича тушунчалар берди.

Қорақалпоғистон ахборот агентлиги